

## Бошоқли дон экинларини январ феврал эйларида парваришлаш ишларини амалга оширишдаги агротехник тадбирлар тўғрисида

### ТАВСИЯ

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда кузги буғдой етиштиришда фойдаланилаётган ҳар бир юқори ҳосил берувчи навларнинг энг мақбул экиш муддат ва меъёрлари, озиклантириш ҳамда суғоришга бўлган талаби минтақалар тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиб парваришлашни янги технологияларни қўллаш натижасида ғалладан юқори ва сифатли дон ҳосил етиштиришга эришилмоқда.

Бу йилги куз ва қиш ойларининг илқ, ёғингарчиликсиз, келиши ғаллачиликда бир қатор муҳим агротехник чора тадбирларни ўз вақтида самарали ва сифатли амалга оширишни тақазо этмоқда.

Ёғингарчиликни кам бўлиши, қуриқ ва илиқ бўлиши ғалла экилган майдонларидаги тупроқни 20-25 см. қатламида намлик етишмаслиги ҳолатларини юзага келтиради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигининг иқлим ўзгаришига муносабатини ўрганиш ва башорат қилиш уни янги шароитларга мослаштиришнинг самарали инновацион усулларини ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олишни камайтирмаслик учун барча зарур бўлган илмий асосланган чора-тадбирларни белгилашимиз ҳамда барча қишлоқ хўжалик экинларидан, шу билан бирга ғалладан гектаридан 80-100 центнердан юқори ҳосил олишни таъминлашимиз зарур.

Бу йилги иқлим шароитидан келиб чиқиб суғориладиган деҳқончилик шароитида кузги буғдойдан юқори ҳосил етиштириш учун тупроқдаги намликни меъёрида сақлаш талаб этилади.

Ғалла экилган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда буғдой етиштириш учун гектарига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъёри 3000-3500 куб.м., бир марталик суғориш меъёри эса 700-800 куб.м. ни ташкил этади. Тупроқдаги намлик дала нам сифимига нисбатан 70-75 фоиздан кам бўлмаганда буғдойнинг барча ўсиш-ривожланиш фазалари ўз вақтида ўтади. Ғалла экиладиган ер майдонларида экилган уруғни бир текисда ундириб олиш ҳамда ғалладан юқори ҳосил олиш учун сувдан оқилона фойдаланиш мақсадида кўндаланг ўқариқларини 60-70 метр қилиб, суғоришни ташкил этиш зарур.

Агар ёмғирлатиб ёки томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилган бўлса суғоришнинг бу усули яхши самара беради. Чунки бунда сув икки мартаба иқтисод қилинади. Тупроқдаги намликни ўсимлик ўсиш ривожланиши учун бир меъёрда сақлайди. Натижада бошоқдаги бошоқчаларда дон яхши шакилланади, ҳосилдорлик эса пасаймайди.

Ғалла ниҳоллари униб чиққандан 25-30 кун ичида туплаш фазаси бошланади. Агар тупланиш фазаси шу муддатдан кечикса, гектарига 5 тоннадан чириган гўнг сепиб суғориш энг самарали усул ҳисобланади.

Бошоқли дон экинлари эрта ва мақбул муддатларда экилган майдонларда ниҳоллар тўла туплаб, қишлоғга киришга улгуради. Ғалла ниҳолларининг қишлоғга туплаган ҳолда кириши ниҳолларни совуққа, қишга

чидамлилигини ошириш билан бир қаторда туплаш бўғинидан янги поялар шакилланади ва бу юқори ҳосилдорлика эришишни таъминлайди.

Мамлакатимизда кейинги йиллари об-ҳавонинг кескин ўзгариб туриши натижасида қиш ойларининг ҳаво ҳарорати анча илик, ёғингарчилик миқдори кам бўлмоқда. Республикамиз ҳудудларининг жойлашган ўрни тупроқ иқлим шароитига қараб эрта баҳорги биринчи озиклантириш ишлари ғалла ниҳолларини уйғонганлигини ҳисобга олиш яъни ўн кунлик температура +5С дан юқори бўлганлигини аниқлашдан бошланади.

Бунда об-ҳаво шароитига қараб 1-озиклантириш ишлари 15-20 февралда амалга оширилади. Ушбу озиклантиришда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг таъсир этувчи модда ҳисобида 25-30 фоизини бериш мақсадга мувофиқ (физик ҳолда 150-160 кг/га).

Эрта баҳордаги азотли озиклантиришда энг биринчи навбатда кеч муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейинги уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши тавсия қилинади.

Қишловга тупламасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни, кўшимча тартибда 100 кг. дан озиклантириш яхши самара беради. Шундай экан, кузги бугдой учун азот етишмаслиги ёки унинг меъёридан ортиб кетиши ўсимликнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига салбий таъсир этади.

Азот етарли бўлмаганда ўсимликнинг ўсиш жараёни пасаяди, барглари оч яшил тус олади ва айрим ҳолатларда барглар сарғайиб, қуриб қолади. Азот етишмаслиги оқибатида ўсимликда маҳсулдор тупланиш, бошоқ йириклиги ва ундаги дон сони, 1000 донга дон массаси камаяди. Шунингдек, дон таркибидаги протеин камайиши ҳисобига доннинг нонбоплик хусусияти пасаяди. Агар майса баҳорги ўсиш даврида етарли миқдорда азот билан таъминланмаса, бошоқдаги бошоқчалар фақатгина биринчи гул ривожланади. Кейинги озиклантиришда азотли ўғит меъёрини ошириш бошоқчадаги гуллар сонини кўпайтирмайди.

Эрта баҳорги озиклантириш ўз муддатида ўтказиш ҳисобига бир гектар ердан 4-6 центнергача кўшимча ҳосил олишга эришилади.

Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликларда ўсиш жараёни бошланиши муҳим ўрин тутаяди. Агарда ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озуқа моддалар ўзлаштирилиши пасаяди.

Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас, 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади. Ушбу озиклантиришда азот меъёрини бундан оширилганда азотни ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан ювилиб кетади.

Ғалла майдонларида озиклантириш ишлари амалга оширилгандан сўнг минтақа тупроқ иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700-800 м<sup>3</sup> меъёрда суғориш шарбат усулида гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит ҳисобига амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эрта баҳорда бугдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга, минерал ўғитлар суспензияси тайёрланиб сепилиши, ўсимликларни эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Бу эса илдиздан ташқари баргдан озиклантирилганлиги сабабли ўсимлик барг сатҳи қалинлашади, ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни тезлашади натижада ниҳолларни ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Суспензия сепишда, бугдой майсалари ер устки қисмини тўла қоплаганлигига алоҳида этибор бериш зарур. Чунки сепилган суспензияни ўсимлик барги орқали ўзлаштиради. Бугдой майсалари ер устки қисмини барг сатҳи билан қопламаган майдонларда сепилган суспензиянинг асосий қисми ер устки қатламига тушади бундан ўсимлик фойдалана олмайди, натижада сепилган суспензияни самарадорлиги пасаяди. Эрта муддатларда экилган ва ғалласи ер устини тўлиқ қоплаган майдонларда ҳаво ҳарорати 5<sup>0</sup>C ва ундан юқори бўлганда гектарига карбамид минерал ўғити билан гектарига 10-12 кг ёки таркибида гумин кислотаси мавжуд бўлган Гео Гумат препаратини гектарига 1,0 литр, УзГуми препаратини гектарига 0,5 литр, Гумимакс препаратини эса гектарига 0,4 литр меъёрда суспензия тайёрлаб сепиш тавсия қилинади.

Яна шуни таъкидлаш керакки ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам кузатувлар олиб бориш, касалликлар аломатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш ишларини амалга ошириш лозим. Шунингдек ҳар бир гектар ғалла майдонига талаб этиладиган фунгицидлар ва петицидлар, гербицидлар захираларини яратиш зарур.

Юқоридаги агротехник чора-тадбирларни республикамизнинг ғаллачиликка ихтисослашган кластер ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ўз муддатида сифатли амалга оширилиши ғалладан мўл ва сифатли дон ҳосил олишга замин яратади.

**Дон ва дуккакли экинлар  
илмий-тадқиқот институти  
директори, к.х.ф.д., профессор,  
Россия ва Турон ҲА академиги:**



**Лаборатория мудири**

**Р.И.Сиддиқов**

**И.Қ.Адашев**